

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

FAMILIYASI YUSUPOV

FARXOD

OTASINING ISMI

MAMARASUL O'G'IT

TUG'ILGAN SANASI

11 08 1992

MILLATI O'ZBEK

KIM TOMONIDAN BERILGAN

QASHQADARYO VILOYATI QARSHI SHAHAR IIB

ERKAK

TUG'ILGAN JOYI

QARSHI SHAHRI

HOLDER'S SIGNATURE

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI / REPUBLIC OF UZBEKISTAN

PASPORT PASSPORT

TURI / TYPE

DAVEAT KODI / COUNTRY CODE PASPORT RAGAMI / PASSPORT No.

AB2662926

FAMILIASE/CURNAME

YUSUPOV

ISMI / GIVEN NAMES

FARKHOD

FUQAROLIGI / NATIONALITY UZBEKISTAN TUGʻILGAN SANASI / DATE OF BIRTH 11 08 1992

JINSI / SEX

TUG'ILGAN JOYI / PLACE OF BIRTH


KASHKADARYA REGION

BERILGAN SANASI / DATE OF ISSUE

16 01 2016

AMAL QILISH MUDDATI / DATE OF EXPIRY 15 01 2026

PERSONALLASHTIRISH ORGANI/AUTHORITY STATE PERSONALIZATION CENTRE





Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorli	k subyektlari yagona	davlat reyestriga		
	"SIFAT USTUN	" Mas'uliyati cheklangan ja	amiyat	
(Yuridik si	haxsning – tadbirkorlik subye	ektining tashkiliy-huquqiy shakli koʻrsa	atilgan holdagi toʻliq	nomi)
	"SI	FAT USTUN" MChJ		
	(Yuridik	shaxsning qisqartirilgan nomi)		
Tashkil etish (q	ayta tashkil etish, bo	shqa ro'yxatdan o'tkazish	ma'lumotlarini	o'zgartirish)
13.03.2018	589393	ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqla		
(Sana, oy (so'z bilan), yil):				
Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 305404892				
Tashkiliy-huquqiy shakli:	Mas'uliyati cheklangan jamiyat			
Joylashgan joyi:	Qashqadaryo viloyati, Qarshi tumani, Qovchin, QOVCHIN QISHLOGʻI,			
Guvohnoma:	• •	o viloyati, Qarshi tumani, D ZMATLARI MARKAZI	AVLAT	tomonidan berilgan
	(Ro'yxatd	an o'tkazuvchi organning to'liq nomi):	:	

https://fo.birdarcha.uz/br/legal_entity/view

Ўзбекистон Республикаси Товар хом-ашё биржаси махсус ахборот парталида энг яхши таклифларни танлаш юзасидан жойлаштирилган 16.05.2022 йилги №22110012093958 лот ракамли танлов ўтказиш тўғрисидаги эълон натижаси бўйича

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ (ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ БЎЙИЧА)

№ 3958/2022 сон

2022 йил «7» Июн

Қарши туман "SIFAT USTUN" МСНЈ номидан Низом асосида иш юритувчи рахбари Ф. Юсупов бир томондан ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган Карши Давлат 2-сон ихтисослаштирилган умумтаълим мактаб-интернати номидан Низом асосида иш кўрувчи бошлиғи Н. Халилова иккинчи томондан, Қарши шаҳар "EXPERTISE GROUP" МСНЈ томонидан 24.05.2022 йилги №542-2022 сонли жамланма экспертиза хулосаси билан тасдикланган лойиха смета хужжатларига асосан, Карши Давлат 2-сон ихтисослаштирилган умумтаълим мактаб-интернати ўкув биноси ва ётокхонасини жорий таъмирлаш (смета хужжатларида назарда тутилган ишлар хажми микдорида) доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

1. Таърифлар

1. Мазкур шартномада тарифлар кулланилади:

«ижро хужжатлари»: — натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритолган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда кўлланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдикловчи бошка хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдикланганлиги тўгрисида далолатномалар, айрым маъсулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тўгрисида далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўгрисида далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар:

«курилиш майдони»: Мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегарасини ажратиб кўйилади ёки бош режага мувофик белгиланган бошка белгилар билан белгилаб кўйилади.

«вақтинчалик ишлар»: Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишлар бажариш учун зарур зарур бўлган ҳар типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар. «беркитилган ишлар»: — сифати ва якунлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниклаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар:

шартномани нархини бўлиб чикиш: ишларнинг ҳар бир боскичи ёки турлари кийматининг аник белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектни умумий кийматини боскичларга таксимлаш.

П. Шартнома мавзуси

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофик: Карши Давлат 2-сон ихтисослаштирилган умумтаълим мактаб-интернати ўкув биноси ва ётокхонасини жорий таъмирлаш (смета хужжатларида назарда тутилган ишлар хажми микдорида) мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига ички йўллар жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. Шартнома бўйича ишлар қиймати.

3. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажариладиган электрон танлов натижасида аникланган ва танлов комиссиясининг электрон шаклланган карори (2022 йил 3-июндаги электрон баённома) билан тасдикланган ишлар киймати барча соликлар, йигимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган холда жорий нархларда буюртмачи харажатлари билан 545 928 773.00 (беш юз кирк беш миллион тўккиз юз йигирма саккиз минг етти юз етмиш уч) сўмни ташкил этади.. Шундан ҚҚС: 70 781 174 (етмиш миллион

етти юз саксон бир минг бир юз етмиш тўрт) сўм. Жорий таъмирлаш ишлари киймати ва кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) холати сабаб бўлганда; ишлар хажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда; объектнинг курилиши бир йилдан ортикка ўзгартирилганда.

4. Жорий таъмирлаш ишлари муддати бир йилдан ортик бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниклаштириш конун хужжатларида белгиланган

тартибда амалга оширилади.

5. Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. Пудратчининг мажбуриятлари

- 6. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:
- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга «_____» иловага мувофик ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камида 50% ни ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик топшириш;
- қурилиш майдонцга зарур қурилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул қилиш тушириш омборга жойлаш ва сақлаш;

— қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

— буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмуни, субпудратчининг номи ва манзили тўгрисида хабардор қилиш;

-курилиш таваккалчилигини суғурта қилиш.

Мазкур шартнома буйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш туғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини узига тегишли қурилиш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бушатиш; қурилиш майдонини қуриқланишини таъминлаш; қурилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий ҳимояси ва техник хафсизлигини таъминлаш. Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулиқ ҳажмда бажаришни уз зиммасига олади.

7. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан (курилиш ишларининг 50 % дан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлик мулкий жавоб беради.

V. Буюртмачининг мажбуриятлари

- 8. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:
- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага иловага мувофик ишларни бажариш учун ярокли бўлган курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;
- ишлар бажарилиши устидан доимий қурилишда техник назорат ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;
- молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига 3 иловага мувофик аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;
- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини такдим этиш;
- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлик хажмда бажариш мажбуриятини олади.

VI. Ишларни бажариш муддати

9. Шартнома миллий валюта (сўмда) ўзаро хисоб-китоб килинганда томонлар учун имзоланган пайтдан бошлаб:

кейинчалик ЭАВ га конвертация қилган ҳолда миллий валютада (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб килинганда шартнома қонун ҳужжатларга мувофик рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради:

10. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофик, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

11. Танлов натижаси бўйича аникланган курилишнинг давом этиш вакти ишлар бошланган кундан эътиборан (кирк) кунни ташкил этади.

12. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофик амалга оширилади.

VII. Тўловлар ва хисоб-китоблар

- 13. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 30% микдорида, аванс ўтказади, бу 163 778 632 (бир юз олтмиш уч миллион етти юз етмиш саккиз минг олти юз ўттиз икки) сўмни ташкил этади.
- 14. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос хисобланади
- 15. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни хисобга олган холда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофик объектнинг умумий шартномавий жорий кийматнинг 100% гача доирасида амалга оширилади.
- 16. Объектнинг шартномавий жорий қийматнинг қолган қисми Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил хисоб-китоб курилиш тугаллангандан кейин ва объект кабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин ёки мазкур шартномада белгиланган кафолат муддати (бир йил) тамом булгандан кейин ишлар кийматининг гача микдорида, амалга
- 17. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича мулк хукукини ўзида саклаб колади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга кадар, объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.
- 18. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда ҳабардор килган холда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор килиш хукукига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

VIII. Ишларни бажариш

- 19. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини Техник аудиторини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиклигини текширади.
- 20. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш хукукига эгадир.
- 21. Пудратчи Техник аудитор ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни хал килиш бўйича йигилишларда мунтазам равишда қатнашади.
- 22. Пудратчи ишларни бажариш лойихасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофиклаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

23. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини курилишда Давлат назорат инспекцияси билан келишади ва унга риоя этилиши учун конун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

24. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси

хисобланади.

25. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўгрисидаги далолатнома билан бир вактда Пудратчига ортикча тупрок ва курилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупрокни казиб олиш учун жой ажратиш тўгрисидаги хужжатларни беради.

26. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боғлаш (привязка) қилиш учун Пудратчига геодезия нуқталари, уларнинг

координатлари ва баландлик белгиларини такдим этади.

27. Пудратчи геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиклиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради. Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аникланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган холда тегишли тузатишларни ўз хисобидан киритади.

28. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жадвалларни сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига беради. 29. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

30. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбобускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиха хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофик бўлишини хамда уларнинг сифатини тасдикловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошка хужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

31. Алохида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр булишига қараб уларни қабул қилишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва қурилишда

Давлат назорати инспекциясини ёзма равишда хабардор килади.

32. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг қурилишда Давлат назорати инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

33. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма

рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

34. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу хакда хабардор килинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор килинган бўлса, у холда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофик беркитиладиган ишларнинг исталган кисмини ўз хисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларга жиддий таъсир килмайдиган иш хужжатларидан майда четга чикишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг курилиш сифатига таъсир этмаганлигини исоблатласа жавобгар хисобланмайди.

35. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аникласа у холда Пудратчи ўз кучлари билан ва курилиш кийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келшилган муддатда кайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 35 бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган холлар бундан мустасно. Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши окибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

36. Пудратчи курилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супуриб-сидиради ва озода саклайди, курилиш даврида

майдонда курилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чикариб ташлайди.

37. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши ўтказилган синовлар, материаллар ўз вактида етказиб тўгрисидаги маълумотлар, шунингдек курилишни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир килиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикирини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини ўз зиммасига олади.

ІХ. Ишларини қўриклаш

38. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллагунча ва қурилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул килиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони худудидаги материаллар, асбоб-ускуналар қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қуриқланишини таъминлайди.

39. Тикланган бино ва иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошка молмулклар объект қабул қилиб олингандан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

Х. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) холатлари

- 40. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч холатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай кисман ёки тўлик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч холатлари амал қилган, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вақтда мутаносиб равишда узайтирилади.
- 41. Агар енгиб бўлмайдиган куч холатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда кўп вақтда чўзилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация килиш учун кандай чоралар кўрилишини мухокама киладилар.
- 42. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у холда томонларнинг хар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. Курилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш

- 43. Қурилиши тугалланған объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланған тартибга мувофик мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланған объектни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланған қоидалариға биноан амалға оширилади.
- 44. Объектни фойдаланишга тайёрлиги тўгрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилиб олинади.
- 45. Пудратчи қурилиши тугалланған объектни қабул қилиб олиш бошланишидан беш кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофик Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгилаган таркибдаги икки нусха ижро хужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлик мос келишини ёзма равишда тасдиклаши керак.

46. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. Кафолатлар

- 47. Пудратчи: барча ишлар тўлик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;
- лойиҳа ҳужжатлари ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларга мувофик бажарилган барча ишлар сифатини;
- ўзи томонидан курилиш учун кўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг

лойиха хужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига хамда техник шартларига мувофиклигини;

- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланган камчиликлар ва нуксонларни ўз вактида бартараф қилинишни; объектдан фойдаланганда мухандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш коидаларига мувофиклигини кафолатлайди.
- 48. Объект ва унга кирадиган мухандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар курилиши тугалланган объектнинг кабул килиб олиш тўгрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида бир ой этиб белгиланади.
- 49. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланиб, уни бартарф этилгунга кадар фойдаланишни давом эттириши имконини бермайдиган нуксонлар аникланса, у холда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар Пудратчи томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади. Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида кайд этилади. Агар пудратчи бажарилган ишларидаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII-бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб колиш хукукига эга.
- 50. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган такдирда, уларни текшириб чикиш курилишда Давлат назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат килишини истисно этмайли.

XIII. Шартномани бекор қилиш

51. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ булмаган сабабларга кура Пудратчи томонидан бир ойдан куп вақтга кечиктирилганда;
- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортик муддатга кечиктирилган холда;
- пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
- пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва коидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
- конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

52. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортик муддатга тўхтатиб қўйилганда;
- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.
- 53. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қушма қарорига кура тугалланмаган қурилиш объекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тулайди.
- 54. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофик иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.
- 55. Шартнома бекор қилинган такдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.
- 56. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган холлар бундан мустасно.

XIV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

- 57. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган такдирда айбдор томон:
- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

ўзбекистон Республикасининг Фукаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўгрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунида, бошка конун хужжатларида хамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошкача жавобгарликка тортилади.

58. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя килмаганлиги, ўз вактида молияштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошка мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган хар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган кисмининг 0.02 % микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар кийматининг 5 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

59. Шартномага мувофик бажарилган ишлар ҳажмини тасдиклашдан асоссиз равишда бош тортилганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиклаши рад этган ёки бош тортган

сумманинг 0.2 фоизи микдорида жарима тўлайди.

60. Пудратчи объектни ўз вактида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.3 фоизи микдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар ўз вактида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 0.2 фоиз микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод этмайди.

61. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва коидаларига, ишчи хужжатларига мувофик бўлмаса у холда Буюртмачи курилишда Давлат назорати инспекциясининг хулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар

қийматининг 10 фоизи микдорида ундириш ҳуқуқига эга.

62. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўкотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

63. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод

этмайди.

XV. Низоларни хал этиш тартиби

64. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иктисодий суд томонидан куриб чикилади.

XVI. Алохида шартлар

- 65. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади. Шартнома тегишли тартибда Ғазначиликда рўйхатдан ўтказилгандан сўнг юридик кучга кириб, "7" июн 2022 йилдан 31 декабрь 2022 йилгача амалда бўлади
- 66. Пудратчи курилиш объектига ёки унинг алохида кисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукукига эга бўлмайди.
- 67. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва кўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имз оланган булса хакикий хисобланади.
- 68. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қушимчалар ёки узгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

- 69. Агар Пудратчи шартнома буйича ишлар якупланганидан кейин курилиш майдонида э узига тегишли мол-мулкни колдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи курилиш майдонини озод килиш санасигача бажарган ишлари учун хак тулашни кечиктиришга хаклидир.
- 70. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошка барча холлар учун амалдаги конун хужжатлари нормалари кўлланилади.
- 71. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга булган 2 нусхада тузилади.

XVII. Томонлариннг банк реквизитлари ва юридик манзилари

ПУДРАТЧИ:

Қарши туман "SIFAT USTUN" МСНЈ

Манзили: Қарши тумани, ҚОВЧИН ҚФЙ

тел\факс: +99890-443-04-40.

20208000000860192001.

Банк номи: ҚАРШИ ШАХАР "МИЛЛИЙ" БАНКИ

КАШКАДАРЁ ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ МФО: 00150. СТИР: 305404892.

OKOHX: 61110

XIP:

M.CH.J.

Таьсисчи СТИР: 506782742

БУЮРТМАЧИ:

Карши шахар 2-сонли ИУМИ

Манзили: Карши шахар 7-митти туман

тел\факс: +99891 473 87 87

ШХР:100021860104017092300075001

МФО: 00014. Тошкент шахар

Марказий банк

СТИР: 200666487.ОКОНХ: 92400.

Fазначилик: Уз. Рес. Молия Вазирлиги

Газначилиги СТИРи: 201122919.

Ягонагазна Х/Р:23402000300100001010

. Халилова

(имзо)

Хукукшунос el Ofice пористконстватимо eesto e Тувочность нок N 003558 Бериггон: 25. 06-2019 6